

Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1925 йилдан чиқа бошлаган

1997 йил 27 декабр Шанба. № 100 (14492)

Иродаси бақувват, иймон-эйтиқоди бутун, ўзининг кучи ва эртанги кунига ишонган одамлар билан ҳар қандай оғир муаммоларни ҳал қилиш мумкинлиги шубҳасиздир.

Ислом КАРИМОВ

Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўнинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 25 декабр кунини Тошкентда парламентнинг янги биносидан иш бошлади.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Бош вазир, унинг ўринбосарлари ва Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, дипломатия корпусининг вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари залда ҳозир бўлганлар.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — котибиятни тузди, кун тартибини тасдиқлади.

Депутатлар сессия кун тартибидagi масалаларни кўриб чиқишга киришдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш тўғрисидаги нутқини сессия иштирокчилари ва хорижий меҳмонлар зўр эътибор билан тингладилар.

Парламент Ўзбекистон Президентини нутқидан баён қилинган мамлакат аграр соҳасида истиқболдаги ислохотларнинг кенг дастурини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида бир қанча қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқишга киришди.

Чунончи, Олий Мажлис аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат кўмитаси раисининг ўринбосари М. Икромов Ер Кодекси лойиҳаси ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналари санацияси тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди, шу кўмита котиби П. Шаропов ўз маърузасида деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги қонунга бир қанча муҳим ўзгаришлар киритишни таклиф этди, иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш кўмитасининг раиси А. Йўлдошев ўз маърузасида Гаров тўғрисидаги қонунга муҳим ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш зарурлигини асослаб берди.

Шу тўрт ҳужжат лойиҳасини муҳокама қилишда Фарғона вилояти, Бўғдод тумани ҳокими А. Абдусаматов, «Хоразмсувқурилиш» трестининг бошқарувчиси Ю. Худойберганов, Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани ҳокими А. Тожиёв, Самарқанд вилояти Иштихон тумани ҳокими С. Муродов, Навоий вилояти Томди тумани ҳокими М. А. Назаров, Бухоро вилояти Вобкент тумани ҳокими М. Эсонов, Ўзбекистон халқ-демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов, Сурхондарё вилояти Сарюсий тумани ҳокими К. Холдоров, Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги «Олтинқул» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси К. Иззатиллаев, Фарғона вилояти Бувайда тумани ҳокими О. Назаров, Тошкент вилояти Чиноз тумани Амир Темур номидаги фермерлар уюшмаси раиси Т. Ботиров, Андижон вилояти Избоскан тумани ҳокими С. Бегалиев, Самарқанд вилояти Урғут тумани Алишер Навоий номидаги халқ корпорацияси раиси А. Зиёев, «Интер-Осиё» корпорацияси бошқаруви раиси К. Йўлдошев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов муҳокама қилинган ҳужжатлар лойиҳаларига бир қанча қишлоқ хўжалик қўшимчалар киритишни таклиф этди.

Депутатлар қишлоқ хўжалик корхоналари санацияси тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар, Ер Кодекси лойиҳасини пухталаштириш, бошқа бир қанча қонунларга ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқишни тегишли вазирликлар ва идораларда, парламент кўмиталарида давом эттириш ва уларни кўриб чиқиш учун навбатдаги сессияга таклиф этиш тўғрисида қарор қилдилар.

Сунгра депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги давлат бюджет лойиҳасини кўриб чиқдилар. Молия



вазир Ж. Сайфидинов маъруза қилди. Олий Мажлисининг бюджет, банк ва молия масалалари бўйича кўмитасининг раиси А. Аҳадов қўшимча маъруза қилди. Бу ҳужжатни муҳокама қилишда Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани ҳокими М. Эгамова, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори В. Сигедин, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани ҳокими У. Хужаназаров, Сирдарё вилояти Ховос тумани ҳокими Р. Турдиев, Ўзбекистон халқ-демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби А. Жалолов, Олий Мажлис иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш кўмитасининг раиси А. Йўлдошев иштирок этди. Муҳокамадан сўнг депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги давлат бюджетини тасдиқладилар.

Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 26 декабр кунини ўзининг давом эттирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов парламент мажлисида иштирок этди.


Сессияни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.Халилов бошқарди.

Депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари Ф. Муҳиддиновнинг Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси лойиҳаси тўғрисидаги маърузасини тингладилар.

Лойиҳани муҳокама қилишда Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитасининг раиси Д.Ғуломова, «Нуроний» фахрийлар жамғармаси Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси С.Усмонов, Самарқанд тумани ҳокими Р.Ҳакимова иштирок этди.

Парламент Оила кодекси лойиҳасининг биринчи ўқишда тасдиқланди. Уни умумхалқ муҳокамаси учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди. Шу масала юзасидан парламентнинг Марбуот ва ахборот кўмитаси раиси У.Ҳошимов маъруза қилди. Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш республика ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси, «Хуррият» газетасининг бош муҳаррири Х.Дўсмұхамедов, Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитасининг раиси Ш.Норбоева, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг раиси, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири И.Гафуров, Бухоро вилояти Қорақул тумани касабаношуналарни мувофиқлаштириш кенгаши раиси М.Олтиев, «Узэлектронпарат» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Алимов сўзга чиққандан сўнг Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун қабул қилинди.



Парламентнинг Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг аъзоси Ш.Жўраев Усимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида сўзга чиқди. Бу ҳужжатни муҳокама қилишда Тошкент Давлат аграр университети ректори Х.Бўриев, Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг кафедра мудири Ш.Йўлдошев, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги «Оқ олтин» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси О.Халимбетов иштирок этди. Бу қонун ҳам қабул қилинди.

Олий Мажлис Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Лойиҳани депутатларга Олий Мажлисининг Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари кўмитасининг аъзоси Ш.Жўраев тақдим этди.Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳокими А.Абдувосиқов, Ўзбекистон халқ-демократик партияси Хоразм вилоят кенгашининг биринчи котиби Ғ.Машарипов, Фарғона шаҳри Қирғули тумани ҳокими В.Белонотов сўзга чиққандан сўнг депутатлар қонунни тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Н.Исмоилов маъруза қилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Тошкент Давлат юридик институтининг ректори Х.Бобоев, Хоразм вилояти Урганч тумани ҳокими К.Нунӣёзов, Самарқанд шаҳри ҳокими А.Носиров иштирок этди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуладилар.

Депутатлар Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш кўмитасининг раиси А.Йўлдошевнинг маърузаси юзасидан Божхона кодекси лойиҳасини кўриб чиқдилар ҳамда уни қабул қилиш ва 1998 йил 1 мартдан қучга киритиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Депутатлар Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат, Саноят, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш, халқаро ишлар ва мамлакатлараро алоқалар, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмиталари томонидан киритилган Ўзбекистоннинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишга киришдилар. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг раиси Н.Исмоиловнинг маърузасидан сўнг парламент маъқур қонунни қабул қилди.

Олий Мажлис айрим қонун ҳужжатлари тўла ёки қисман ўз кучини йўқотганини эътироф этди. Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасида Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш, Ўзбекистоннинг бир қанча халқаро конвенцияга қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилиди.

Олий Мажлис ўнинчи сессияси котибиятининг раҳбари, Ўзбе-

кистон халқ-демократик партияси Шаҳрихон туман кенгашининг биринчи котиби М.Отабоев сессия номига келган мактублар ҳамда депутатлар, корхоналар, ташкилотлар раҳбарлари ва айрим фуқароларнинг аризалари тўғрисида ахборот берди.

Парламент Олий суд раиси У.Мингбоевнинг маърузаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгаришлар киритди. Олий хўжалик суди таркибига ҳам ўзгаришлар киритилди.

Сунгра Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини ва Олий Мажлис Кенгаши қарорларини тасдиқлади.

Олий Мажлис Раиси Э.Халилов минбарга чиқди.

Бутун, Олий Мажлисининг ўнинчи, айтиш мумкинлиги, юбилей сессиясида, деда у, республикамиз мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлга яна бир бор назар ташлаймиз, Ўзбекистон Президенти

Ислом Каримов ишлаб чиққан йўлнинг тўғрилигига, бу йўл узоқни кўриб, донолик билан ишлаб чиқилганига яна бир бор қатъий ишонч ҳосил қиламиз, бу йўл халқаро миқёсда кенг эътироф этилди ва Ўзбекистон модели номи билан тарихга кирди.

Ўзбекистон халқи XXI аср бугунда Ўзбекистоннинг тараққиёти ва гуллаб-яшнашини белгилаб берадиган улкан ангиланишларни тарихан қисқа даврда ортиқча қийинчиликлариз амалга ошира олдиди.

Халқимиз ҳозирги барча муваффақиятларини ва келажакка ишончини давлатимиз бошлиғи, Ўзбекистон Республикасининг умумхалқ томонидан сайланган Президенти, бутун ҳаётини Ватанимизнинг бахт-саодати ва гуллаб-яшнашига бағишлаган Ислом Каримовнинг номи ва фаолияти билан ҳақиқат равишида болмоқда.

Олий Мажлис депутатлари халқ иродасини ифодалаб, Ўзбекистон давлат қўрилишидаги ва жаҳон ҳамжамиятида миллат обрўсини оширишдаги, фуқаролар тинчлиги ва умуммиллий тотувликни мустаҳкамлашдаги, маданий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришдаги буюк хизматлари учун ва туризм кунининг 60 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовни «Амир Темур» ордени билан мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси давлатининг вужудга келишида ва унинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашдаги буюк хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини берилди. Депутатлар Э.Воҳидов, А.Ғуломмаҳмудов, Н.Иброҳимов, М.Эгамова ва С.Усмонов Ўзбекистон Президентини мукофотлар билан табриқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессия якунида сўзга чиқди.

Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси шу билан ўз ишини тугаллади.

Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС Х СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Хурматли депутатлар! Авваламбор, сиз, халқ ноибларини бу муҳташам сарой — мамлакатимиз Олий Мажлисининг янги биносида муваффақ бўлишга ижозат бергайсизлар.

Мен ишонаман: мана шу кўзни қувонтирадиган сарой, содда тил билан айтганда, халқ ноибларининг уйи барпо этилиши, ишга туширилиши, унинг гўзаллиги ва салобати, миллий шакли ва замонавийлиги Олий Мажлисизнинг фаолиятини, иш самарасини, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини, қадр-қимматини янги босқичга кўтариб, Ўзбекистонимизнинг бетакрор рамзи тариқасида тарихга кириди.

Менинг тилагим: илоҳим пойтахтимизнинг марказида қад кўтарган ҳашаматли ишоотимиз эл-юртимизга кўп-баракат берсин, мустақиллигимизни янада мустаҳкам қилсин, халқимизнинг фаровон ва ёрғун келажак йўлида раҳнамо бўлсин. Мана шу бинони қурган инсонлар ҳеч қачон кам бўлмасин.

Муҳтарам депутатлар! Қадрили меҳмонлар! Азиз дўстлар! Олий Мажлис Х сессияси кун тартибига, бошқа муҳим масалалар билан бир қатор-

да, улкан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган — қишлоқ хўжалигида бозор ислохотларини кескин чуқурлаштириш муаммосини ечиш масаласи ҳам киритилган.

Бутун қишлоқ хўжалигини ислохот қилишга алоҳида эътибор бераётганимиз албатта бежиз эмас.

Бу нима билан боғлиқ? Аввало, бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг иқтисодий ҳаётимиздаги, ҳаётимиздаги ўрни шунини таъкидлаш керак. Ҳозир аграр тармоқ ялпи ички маҳсулотнинг тўртдан бир қисминини ишлаб чиқармоқда. Мамлакатимиз ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятининг ярмидан ортиги муайян тарзда бевоқифа қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини мамлакатта валюта тушумларининг 55 фоиздан ортигини таъминлайдиган муҳим экспорт манбаларидан бири ҳисобланади. Бу — масаланинг иқтисодий жиҳати.

Ижтимоий соҳада эса — мамлакатнинг қишлоқ жойларида истиқомат қилмайдиган аҳолиси катта қисмининг, балки бутун республика аҳлининг турмуш даражаси, унинг моддий фаровонлиги қишлоқ хўжалиги-

даги ишларнинг аҳолига, уни ривожлантиришнинг тезкорлиги ва самарадорлигига боғлиқ.

Энг муҳими, бу — муаммонинг сиёсий жиҳатидир. Бутун биз шунини тобора чуқур ағлаб еттишимизки, жамиятимизнинг умуман янгилаштириш, демократик жараёнларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида ислохотлар нечоғли самарали кечаётгани, қишлоқ ҳаётининг барча жабхаларига нечоғли чуқур кириб бораётгани билан боғлиқ.

Шу босис муваффақияти-мизнинг биринчи кунларидан бошлабқиз биз қишлоқ хўжалигини ислохот қилишга жиддий эътибор қаратдик.

Кейинги йилларда бу соҳада амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот бераё эканмиз:

Биринчидан, қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислохот қилишнинг ҳуқуқий асослари барпо бўлаётгани ҳақида гапирганимиз лозим. Муваффақиятнинг дастлабки йилларида қабул қилинган «Ер тўғрисидаги», «Кооперация тўғрисидаги», «Ижара тўғрисидаги», «Деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги» ва бошқа бир қатор қонун ва ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг фармонлари, ҳуқуқат қарорлари қишлоқда янги ҳуқуқий муносабатларни жорий этиш, кўп укладли иқтисодий шакллантириш, тадбиркорликни, фермер ва шахсий томорқаларни ривожлантириш имконини яратди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ижтимоий таркиби тубдан ўзгарди. Унда нодавлат секторининг улуғи 98 фоизга етди.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигининг 1374 та жамоа, 99 та ижара хўжалиги, 51 та акционерлик жамияти, 20 миңдан ортиқ мустақил фермер хўжаликлари, 526 та шахсий чорвачилик фермаси ва 3 миллионга яқин шахсий томорқа хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

Иккинчидан, қишлоқда хўжалик юритиш механизмининг мутлақо янги асослари, қишлоқ хўжалигини молиявий таъминлаш ва сугуртлаш, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва қишлоққа берилган қишлоқ хўжалик техникаси, ёқилғи, минерал ўғитлар учун ўзаро ҳисоб-китобларнинг янги тизими ишлаб чиқилди ва жорий қилинди. Қишлоқ хўжалиги

корхоналарининг иқтисодий муваффақлиги кенгайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олишда шартномавий нархлар тизими кенг қўллана бошлади.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигида ташкилий-таркибий ўзгаришлар амалга оширилди, бу соҳани бошқаришнинг тамойиллари ва тизими ўзгармоқда. Қишлоқ ва сув хўжалигини бошқаришнинг таркибининг тақомиллаштириши, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда ишлашини таъминлаш мақсадида ягона Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди. Қишлоқ корхоналарига агросервис хизмати кўрсатиш ва уларнинг моддий-техник таъминотини таъминлаш тизими тақомиллашмоқда. Шу мақсадда машина-трактор парклари тармоғи вужудга келтирилди.

Қишлоқда бозор инфратузилмасининг дастлабки кўринишлари намойён бўла бошлади. Иқтисодлаштирилган тижорат банклари — «Пахтабанк», «Ғаллабанк», «Мевасабзавотбанк», «Тадбиркорбанк», «Туронбанк», «Заминбанк» Ипотека банк тизими. Улар фермер хўжаликлари ва кичик корхо-

наларга хизмат қилмоқда. Қишлоқ корхоналарини табиий офатлардан ва уларнинг ўз шериклари билан муносабатларини суғурта қилувчи «Узсуғурта» компанияси тизими.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалигининг ўзиде сезиларли даражада таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Умумийтироф меҳнат тақсими тўғрисида деб аталган ва эски тоталитар тузумдан мерос қолган пахта яккахўчилигига барҳам берилди.

Ғалла муваффақлигига эришининг асослари яратилди. Кейинги уч йилнинг ўзиде ғалла майдонлари, биринчи навбатда, бугунги экинликлар ерлар 300 миң гектардан зиёд ошди. Бу эса бизга 2,9 миллион тонна ёки 1994 йилдагидан 1,7 марта кўп дон етиштириш имконини берди. Натигада озиқ-овқат учун республикага дон импорт қилиш 6 баробар қисқарди.

Илгари мамлакатта четдан олиб келинадиган картошка, қанд давлати ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ечиш анча кўпайди.

Бешинчидан, республика ер фондини ривожлантириш ва қўлайтириш, ернинг ҳо-силдорлигини оширишга

алоҳида аҳамият берилди. Ҳар йили 15-25 миң гектар янги суғориладиган ерлар ўзлаштирилди ва 40-50 миң гектар аввалдан фойдаланиб келинган ерларнинг мелiorатив ҳолати яхшиланди.

Бир сўз билан айтганда, муваффақлиқ йиллари давомида қишлоқ хўжалигини ислохот қилиш ва ривожлантириш борасида қўрилган чора-тадбирлар бу устувор тармоқда сезиларли натижаларга эришиш имконини берди.

Шу йиллар мобайнида қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланди. Бу йил ҳам самарали бўлди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ўтган йил даражасидан 7 фоиз ортиқ бўлиши кўтилмоқда. Мураккаб об-ҳаво шароити, қайта экишга мажбур бўлишга қарамастан, бу йил қариб 3,7 миллион тонна пахта ком ашёси, 2,9 миллион тонна ғалла, шу жумладан, 2,7 миллион тонна бугунги ҳосили тайёрланди.

Мана шу юксак натижалар билан мамлакатимиз муваффақлиги ва иқтисодий муваффақлиги, халқимизнинг фаровонлигини оширишга йўлда фидокорона меҳнат қилётган барча қишлоқ хўжаликчиларига самимий мин-

натдорлигини назор этишга ижозат бергайсизлар.

Шу билан бирга, эришилган натижаларга қарамастан, қишлоқ хўжалигида ўлкада қилган ислохотларнинг бориши, чуқурлашуви ва самарадорлиги бизни қониқтирма олмайди. Очик тан олганимиз керак: қишлоқ хўжалигини тубдан ислохот қилиш билан боғлиқ кўпга муҳим омил ва имкониятлар ҳали ишга солинмаган.

Аввало, қишлоқ хўжалигини ислохот қилишнинг асосий мақсади — қишлоқда ҳақиқий мулкдорларини, мулк эгаларини шакллантириш йўли билан ерга, мулкка, меҳнатга муносабатини ўзгариштириш ҳали эришилгани йўқ.

Иккинчидан, бозор механизми ва омиллари ҳали қишлоқда ўз ривожини топпамапти. Қўллаб қишлоқ хўжалик корхоналарида хўжалик юритиш шакллари — ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнатни рағбатлантириш, ички хўжалик иқтисодий муносабатларининг усули ва йўллари ўзгаришида юзакчиликка ва расмиятчиликка йўл қўйилмоқда.

Бу биринчи навбатда қишлоқ меҳнатқашларининг ўз меҳнати натижаларини (Давоми 2-бетда)



ИБРАИМ

ЮРГАН ДАРЁ...

Муборак ҳажга сафар қилишни Оллоҳ бизга насиб этди. Ҳажни зиёрат қилар эканмиз, сафар давомида турли хил воқеа ва ҳодисаларнинг гувоҳи бўлдик.

ЖАРИМАНИ ТЎЛАБ

Иккинчи воқеа: Жиддада, Маккаи мукаррамда ва Мадина мунавварада аjoyиб бир нарсани кўриб ҳайратда қолдик.

Абдуразоқ ЮНУС

ЯНГИ ТЕЛЕФОН

Маълумки, инсониятнинг муҳим кашфиётларидан бири телефондир. Ули алоқа телефонлари ишлаб чиқариш бўйича катта муваффақиятларга эришадиган Жаңибий Корейнинг «Самсунг» ва «Эл-Жи» фирмалари томонидан яқинда телефоннинг янги тури ишлаб чиқилди.

СЕШАНБА, 30

- 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

- 18.50 «Мулькарусель». Янги йил оқшони. 19.05-22.20 Эълонлар. 19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильми.

ЧОРШАНБА, 31

- 4.55 Муборак Рамазон тўғрисида. «Ният ҳайр, оқибат ҳайр». Бадий фильм. 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

ТИЛИМДАН СИР ҲУДИ, ШАҲАР ТИЛИМИ

Мусибат тошлари туши бошимга, Тупроқдек тўзғиди минг битта гоё.

Зарралар кетдилар елга эргашиб, Ерда нам эдим, сингиди соя.

Ўйлайман, ниҳоят, жунжикар этим, Туробга сингиди ёшим ниҳоят.

Бир жуфт дийдаларим қолдим қотиб? Музаирим қалбимнинг қаҳридан унган?

Тилимдан сир учди, шажар гуллади, Баргидан капалак ясади йўрак.

Ичимни еб кела бошлайди қадар... Биланман, эртага сиртим ўприлгай.

Ичимни еб кела бошлайди қадар... Биланман, эртага сиртим ўприлгай.

Балким, яшаб қолгай иккинчи умрим, Балким, мум тишлагай кўрмаган, кўрган.

Энди толе қулмас, ҳисларим хатар, Энди дил ҳам вафо қилмас мен гўрга.

Сенга мунтазиримиз—мен ва шабистон, Ҳеч қачон қутишда бўлмайдим хато.

Сенга мунтазиримиз—мен ва шабистон, Ҳар битта тунимиз бир ишқий асост.

Сенга мунтазиримиз—мен ва шабистон, Қўлларим, қучоғим, киприқлар ҳатто

Сенга мунтазиримиз—мен ва шабистон, Қаноат кўрпадек, сукунат ёстиқ.

Сенга мунтазиримиз—мен ва шабистон, Қаноат кўрпадек, сукунат ёстиқ.

ЖУМҲА

Қўнғил қайралири

МУСОФИР У Оллоҳдан тинмай қанот сўради умчоқ учун. Истаги ижобат бўлмагач, бир сиқим тупроқ сўради, мажруҳ юрагини бергимтоқ учун.

ИНСОН Ҳисобланмайди. Зеро, муҳаббат вужуднинг, кўзидир. ҲАМОН Сен ҳақ бўлсанг, ҳаммаша номарднинг надоматларига тайёр тур.

ПАЙШАНБА, 1

- 4.45 Муборак Рамазон тўғрисида. «Ботмаган қуёш». Бадий фильм. 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

18.00 Кўрсатувлар дастури.

- 18.05 «Мультипупл». 18.15 Муборак Рамазон тўғрисида. «Одобнома». 18.25 Янги йил эртақлари.



ЯНГИ ЙИЛ БАЗМИ

Ўзбекистон телевидениесидан «Янги йил базми» байрам концерн дастурини суратла олиш ишлари якунланди.

- 20.25 «Ишингиз бароридан келсин». 20.45 «Ҳажон». 21.00 Байрам табриқлари.

Ибройим ога! Марказий Осиё туркистон ёшларининг ўзига хос «Менинг йигит вақтим» сенинг қиз вақтин» деб номланадиган машҳур шеърингиз бор.

ликка интилиш ўрнига «мен учун жоннажон фирқам, ҳукуматим ўйлайди» деган ақида бор эди.

МЕНИНГ ЙИГИТ ВАҚТИМ...

Биз ёш, ўспирин чоғимизда бўз матодан кийим кийдик, зогора нон едик, кўнчинча оч юришга кўнликдик, совуқ театрда спектакл кўриб бахтга беландик.

кура «тошига» қоқилган вақтингиз бўлганми? — Қоқилганда ҳам оёқлар оқсаб, тиззалар қонанган...

«Туркистон» меҳмонхонаси

«Оч қоринга ола қўйлақ» деганларидек, ўта хайлараст бўлганмиз. Китоб ёки журнал топсак, қайси бир тилдалигидан қатъий назар, қўлма-қўл бўлиб кетар, навбатма-навбат ўқир эдик.

ҳақиқий фожиа бўлса, баъзи бир ичиқора кимсаларнинг кўнгида «қулай пайт учун асралган тош» экан.

Икки даврга мансуб икки ёшлиқнинг фарқини бармоқ буюки санаб чиқиш қийин. Фақат айрим кузатишларимни, тилак тарзидаги мулоқазатларимни ўртага ташлашга жазм қилдим, ҳолос:

Маълумки, инсониятнинг муҳим кашфиётларидан бири телефондир. Ули алоқа телефонлари ишлаб чиқариш бўйича катта муваффақиятларга эришадиган Жаңибий Корейнинг «Самсунг» ва «Эл-Жи» фирмалари томонидан яқинда телефоннинг янги тури ишлаб чиқилди.

а/ ҳозирги ёшлар илмли, оламу одам ҳаётининг барча жилоларидан бохабар, яхши яшашга мойил, талбиркор, ақл-идроқ, пишшиқ-пухта;

«Сиз раҳбарлик қилаётган «Маънавият ва маърифат» маркази амалда ошираётган ишлар хусусида ҳам тўхталингиз!

б/ фурсатнинг асосий қисmini «бўш вақт» деб ҳисоблаб, уни жангари ҳамда шахвоний видеофильмлар кўришга, енгил-елли детектив китоб ўқишга, кўнгилихушликка сарфлаб юрган ёшларни биланам.

Марказимиз муҳтарам Президентининг Фармони билан тузилди. Бу Фармон маънавият ва маърифат масаласи мустақил мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига олиб чиқилганини кўрсатди.

в/ уларда ўзи билан ўзи танҳо қолишга вақт йўқ, ҳисоби. Аслида чинакам илмга, ижодга тааллуқли фикр инсон ўзи билан ўзи қолганлигига тугилади;

«Истеъдод» каби жағмаралар тузилди. Улар ёшларимизнинг маънавий ва жисмоний камолотини кўзлаб иш тутишлари лозим.

г/ биз — толиб йигит ва толиба қиз шаҳар маданият ва истироҳат боғида тонг отқунча бўллуб сайрашини тинглаб чиқишдан чўчимас эдик, ҳозир эса...

«Туркистон» муштарийларига тилақларингиз! Мен уларга оламнинг барча яхшиликлари ёр бўлсин, дейман.

д/ ақсарият ёшлар ёши улғў кишиларнинг панду насихатларига, ибратли гурунларига беварқ қарашга одатланганлар;

Сўхбатдош: Янгибой ҚУЧҚОРОВ

ЮЛДУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

ҚҲЙ. Ҳафтанинг биринчи ярмида дам олган мактаб. Байрамдан сўнг қатъий ишга киришимиз. Жума кунини даярлаш барча ишингиз битиди.

ТАРҲОЗУ. Аввалгида енгил хоринлик сезасиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ютуқлар чакки бўлмайди.

БУЗОҚ. Амалий ва молиявий ишлардаги омад кайфиятинингизни кўтарди.

ЧАЕН. Ҳафтанинг биринчи ярмида саломатлигингиздан бир оз шикоят қиласиз.

ЭГИЗАКЛАР. Душанбада ишчанлик қобилиятингизни намойиш этган ҳолда Янги йилни кутиб олсангиз.

ЎҚОТАР. Улкан қадр-қимматга эга бўлган учрашувлар ҳамда касбий маҳоратингиз куч-қувватингизни оширадиган.

ҚИСҚИЧБАҚА. Ҳафтанинг биринчи ярмида ҳавас қилгулик амалий учрашувлар бўлади.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ҳафтанинг биринчи ярмини узлуксиз иш билан ўтказасиз.

АРСЛОН. Душанбада ҳамкасбларингиз билан бир оз элдикчига борасиз.

СУВ ПАРИСИ. Душанба ва сеҳанбада молиявий муаммоларни ҳал этасиз.

ПАРИЗОД. Ҳафта бошлангида амалий фаолиятингиз кучаяди.

БАЛИҚ. Бу ҳафта оилавий муаммоларни ҳал этасиз.

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

ТАХРИРИЯТ: 136-56-58, 133-95-97

Муаллифлар фикири тахрирлардан фарқланши мумкин.